ЎЗМУ БОТАНИКА БОҒИ ШАРОИТИДА CALENDULA OFFICINALIS L ВА MATRICARIA (CHAMOMILLA) RECUTITA L ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Олимова Нилуфар Толибжон қизи[1]
Алишер Сафаров Каримжонович[2]
[1] Тадқиқотчи, [2]Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси дотценти, биология фанлари доктори
https://doi.org/10.5281/zenodo.7197427

АННОТАЦИЯ
Тадқиқот ишлари натижасида Ўзбекистон Миллий университети Ботаника боғининг тажриба даласида доривор тирноқгул ва мойчечакнинг ўсиши, ривожланиши ва гул ҳамда уруғларининг ҳосилдорлиги ўрганилди; доривор тирноқгул уруғларининг фракциялари шакли, 1000 дона уруғининг массаси ва унувчанлиги бўйича ўзаро фарқ қилиши аниқланди; доривор мойчечак уруғларининг 3 намунаси унувчанлиги ва униш энергияси бўйича ўзаро фарқланиши қайд этилди; доривор тирноқгул ва мойчечакнинг умумий вегетация даврлари ўсимликнинг биологик хусусиятларига, агротехник тадбирларга ва гулларни териш муддатларига боғлиқлиги аниқланди; доривор мойчечак ва тирноқгул ўсимликларининг узоқ муддат давомида гуллаши ва уруғларининг пишиш даври турлича бўлганлиги боис уруғларнинг матрикал хилма-хиллиги қайд этилди.
Калит сўзлар: Calendula officinalis L, Matricaria (Chamomilla) recutita L уруғ унувчанлиги, вегетация даври, биологик хусусиятлари.

КИРИШ
Маълумки, табиатдаги доривор ўсимликларнинг хом-ашё заҳираси жадал ривожланаётган фармацевтика саноатининг эҳтиёжларидан орқада қолмоқд. Ўсимликлардан олинадиган препаратларни тайёрлаш учун барқарор хом-ашё заҳирасини яратишнинг самарали йўли – доривор ўсимликларнинг плантацияларини яратишдир. Бу эса доривор ўсимликларнинг табиий ресурсларини муҳофаза қилиш ва сифатли маҳсулот олиш имконини ҳам беради.
Маълумки, Ўзбекистон ўлкаси худудида табиий ҳолда доривор хусусиятга эга бўлган кўпгина ўсимликлар ўсади. Республикамиз худудида табиий ҳолда ўсадиган ва шунингдек, маданий йўл билан етиштириладиган ўсимликларнинг сони 4500 турни ташкил қилиб, шулардан 1200 га яқин ўсимлик турлари шифобахш хусусиятга эгадир [1].

Зеро, доривор ўсимликларнинг биологик хусусиятлари қанчалик чуқур ўрганилса, уларни маданий ҳолда етиштиришга кенг имконият яратилади, бу эса улардан инсон саломатлиги йўлида фойдаланилиб, фармацевтика саноатининг эҳтиёжларини зарур ўсимлик хом-ашёси билан етарли даражада таъминлаб беради ва энг асосийси, ушбу шифобахш ўсимликларнинг табиатдаги заҳирасининг камайиб кетишига олиб келмайди.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Олинган натижаларнинг назарий аҳамияти шундаки, Asteraceae оиласига мансуб бўлган Calendula officinalis L. ва Matricaria (Chamomilla) recutita L. ўсимликларининг ўсиш ва ривожланиши, уларнинг шифобахш бўлган гуллари ва кўпайтириш учун асосий восита бўлган уруғлари ҳосилдорлиги ЎзМУ Ботаника боғи тажриба даласида ўрганилди.

Ишнинг амалий аҳамияти эса шундаки, бажарилган илмий иш маълумотларига таянган ҳолда ушбу ўсимликларни Тошкент тупроқ-иқлим шароитларида бемалол экиб ўстириш мумкин, доривор ўсимликлар плантацияларини яратиш имконини берди, олинган натижалардан ботаника ихтисослиги ўқитиладиган олий ўқув юртларидаги дарс жараёнларида талабалар қизиқишини янада орттириш мақсадида фойдаланиш мумкин.

ХУЛОСА

Доривор тирноқгул уруғларининг фракциялари шакли, массаси, 1000 дона уруғининг массаси ва унувчанлиги бўйича ўзаро фарқ қилади. Уруғларининг унувчанлиги ва униш энергияси бўйича йирик ўлчамли, массаси катта бўлган фракцияси юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Доривор мойчечак уруғларининг учта намунасининг уруғлик сифати ҳам ўзаро фарқ қилади. Энг катта унувчанлик маҳаллий репродукция ўсимликларининг уруғларида

(76, 3%) аниқланди. Олма-ота ва Москвадан келтирилган уруғларнинг лаборатория шароитларида унувчанлиги тегишли равишда 65,1 % ва 62,7 % ни ташкил қилди.

Доривор мойчечак ва доривор тирноқгул ўсимликларининг узоқ муддат давомида гуллаши ва уруғларининг пишиш даври турлича бўлганлиги натижасида уруғларнинг матрикал хилма хиллиги аниқланди.

References:

1. 2015 йил 20 январдаги № 5-сонли “2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва озикабоп ўсимликлар хом-ашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни

янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида" мажлис баённомаси 1.12 банди.
2. Акопов И.Э. Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применение. – Т.: Медицина, 1986. – 566 с.
3. Атлас лекарственных растений России / В.А. Быков. Т.А. Сокольская, Л.Н. Зайко и др., под общей ред. В.А. Быкова. – М.: ВИЛАР, 2006. – 345 с.